

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**495 Нукус шаҳрида электротехника маҳсулотлари ишлаб  
чиқаришни ташкил этиш тўғрисида**

Қорақалпоғистон Республикасида замонавий энергия тежовчи ускуналар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил қилиш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни янада маҳаллийлаштириш мақсадида:

1. «Ўзбекэнерго» АЖнинг умумий қиймати 8 млн АҚШ доллари бўлган «Нукус шаҳрида (Қорақалпоғистон Республикаси) электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича «Nukuselektroapparat» МЧЖ корхонасини ташкил этиш» (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва 2017 йилнинг 1 сентябрига фойдаланишга топшириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, умумий қиймати 8 млн АҚШ доллари бўлган инвестиция лойиҳаси «Tanotrade AG» компаниясининг (Швейцария) 80 фоиз улуши ва «Toshelektroapparat» МЧЖ ХК (Ўзбекистон Республикаси) томонидан маҳаллий инвестициялар эквиваленти 20 фоиз улуши бўлган тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этиш орқали амалга оширилади.

3. Қуйидагилар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

«Nukuselektroapparat» МЧЖ — буюртмачи;

«Иссиқликэлектрлоиҳа» АЖ — бош лойиҳа ташкилоти;

«Element Plus» МЧЖ — бош пудратчи ташкилоти этиб белгилансин.

4. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2017 йилнинг 15 августигача қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга, истисно тариқасида, руҳсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси 2017 йилнинг 15 августигача инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказишни ҳамда қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажарилиши юзасидан лозим бўлган давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши бир ой муддатда белгиланган тартибда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича «Nukuselektroapparat» МЧЖ корхонаси қурилишига ер майдони ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ўз маблағлари ҳисобига, мансублиги бўйича, қурилиш ҳудудига тушган амалдаги муҳандислик коммуникацияларини кўчириш ва улаш, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларнинг узлуксиз ишлаб туришини ҳисобга олган ҳолда, муҳандислик коммуникация-

лари ва темир йўл линиясини улаш, бош пудрат ташкилотлари ўзларининг бўлинмаларини белгилашни ва тайёрловчи- заводлар ёки уларнинг расмий дилерлари (дистрибьютерлари) билан тендер савдоларисиз энг яхши таклифлар асосида, импорт қилинаётган товарларни албатта юклаш олди инспекциясини ўтказиш шарти билан, ускуна ва материаллар, эҳтиёт қисмлари, бутловчи буюмлар ва узеллар етказиб берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига қурилиш ҳудудига тушган мавжуд водопровод тармоқларини кўчириш ва уланишига лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ марказлашган инвестициялар ажратишни таъминласин.

8. «Nukuselektroapparat» МЧЖ қуйидаги тўловлардан озод этилсин:

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича белгиланган тартибда, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Nukuselektroapparat» МЧЖ корхонаси қурилишига олиб келинадиган қурилиш материаллари божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) қўшимча қиймат солиғидан;

2024 йилгача тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича четдан олиб келинаётган ускуна, хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари).

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзқурилишиматериаллари» АК ва «Ўзбекнефтьгаз» МХК «Nukuselektroapparat» МЧЖ иш хужжатлари асосида тақдим этилган талабномалари бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган цементни бошқариладиган нархларда ва ёнилғи-мойлаш материалларини ўртача баҳоланган нархларда тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича ажратилиши ва етказилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 июнь,  
ПҚ-3055-сон